*Бу ҳақда Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездида гапирилган эди*

# МАШИНА, УНУМДОРЛИК, ТАННАРХ

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ С. СЕГИЗБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗДА ТЕХНИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

**ОҚҚЎРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхоз меҳнаткашлари йилдан-йилга пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ерда техникадан фойдаланиш самарадорлиги кескин ошиб, маҳсулот етиштириш учун сарфланаётган сарф-харажат камайиб боряпти. Илғор тажрибалар, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш, тинимсиз изланиш туфайли совхозда сўнгги бир йилдаёқ бир қанча ибратли тадбирлар амалга оширилди. Мухбиримиз яқинда хўжаликда бўлиб, совхоз директори Қўжан Алимбетов билан шулар ҳақида суҳбатлашди.**

**— Қўжан Баубекович аввало, ўтган йилги меҳнат натижалари ҳақида гапириб берсангиз? Унда машина ва механизмларнинг роли қандай бўлди?**

— 1985 йилда давлатга 11 минг 556 тонна пахта етказиб бердик. Ҳосилнинг 83 проценти ёки 9569 тоннаси машиналарда териб олинди. 1984 йилда бу кўрсаткич 59 процентни ташкил этган эди. Йил якуни бўйича 10 миллион 480 минг сўм даромад олинди. Бундан 2 миллион 662 минг сўми соф фойдадир. Бир центнер пахтанинг таннархи бир йилда қарийб беш сўмга камайди.

Бу ютуқларга машина ва механизмларнинг иш унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Масалан, ўтган йили совхозимизда битта трактор ёрдамида йил давомида ўртача 2335 гектар ерга ишлов берилди.

**— Бу жуда катта кўрсаткич-ку! Агар бошқа хўжаликлардаги машина-механизмлар ишига солиштирсак, деярли тенг баравар юқори, шундай эмасми?**

— Тўғри. Биз ҳисоблаб чиқдик. Ҳатто Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигида ҳам тракторлардан фойдаланиш бу даражага етмаган. Бунинг боиси бор, албатта. Аввало совхозимизда мавжуд машина-механизмлар йил бўйи тўхтовсиз ишлатилади. Масалан, пахта териш машиналарини олиб кўрайлик.

Мавсум якунланиши билан агрегатлардаги аппаратларни ечиб оламиз. Тракторларни эса жорий ремонтдан чиқарамиз. Сўнг шу тракторлар ёрдамида ерга ишлов берамиз, чигит экамиз, ғўза қатор оралари юмшатилади, озиқлантирилади. Ҳосил пишиб етилгач эса ремонтдан чиқарилиб, ишга тайёр қилиб қўйилган терим аппаратлари тракторларга осилади ва теримни бошлаймиз.

**— Трактор ва бошқа техниканинг доимо шай ҳолда туришига қандай қилиб эришилади? Бу соҳада тўпланган тажрибалар нималардан иборат?**

— Аввало машина-трактор паркимизни кадрлар билан мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирдик. Чунки техника ўз касбини севган, ихлос қўйган кишининг қўлида бўлсагина узоқ «умр» кўради. Совхоз бош ремонт устахонаси қошида махсус курс очиб қўйганмиз. Ҳар йили бу курсни 20—25 киши битириб чиқади. Улар дастлаб тажрибали механизаторлардан иш ўрганишади. Сўнг устозларининг тавсияси билан мустақил равишда трактор бошқаришга ўтадилар. Бу бизга икки томонлама фойда келтирмоқда.

Машина ва механизмларнинг акт билан механизаторларга топшириб қўйилиши ғоят катта самара бераётир. Дастлаб бу ишга қарши чиққан механик-ҳайдовчилар ҳам бўлди. Лекин унумдорлик ортиб, иш сифати кескин ошганлигини амалда синаб кўргач, уларнинг ўзлари бу усулни янада такомиллаштириш ташаббуси билан чиқишди. Шундай қилиб, ҳар бир механизаторга маълум гектар ер майдони, битта трактор ва зарур ускуналар ажратиб бердик. Ҳар ойга 130 сўм миқдорида маош — аванс белгиладик. Дейлик, бир механизаторга 55 гектар пахта майдони ажратилган. Парвариш даврида у бу ерга ўз вақтида ва сифатли ишлов берса маошини тўлиқ олади. Аксинча ишни муддатида улгуролмаса, агротехника тадбирларини чалакам-чатти бажарса ойлигидан чегириб ташланади. Мукофотдан маҳрум қилинади.

Ғўза қатор ораларига ишлов берган механизаторнинг ўзи ҳосилни ҳам теради. Бу даврда уларга иш ҳақи пахтанинг тоза терилганлигига қараб тўланади. Механизаторлар мусобақасига ҳар беш кунда якун чиқарилади. Икки қаторли машинада кунига 6 тоннадан, тўрт қаторли машинада эса 8 тонна пахта терган механизаторга ойлик иш ҳақига қўшимча 50 сўмдан мукофот пули берилади. Терим якунлангач, ҳар бир механизаторнинг иш сифати текшириб чиқилади. Агар у терган картада ерга тўкилган ҳосил уч центнердан ошмаса қўшимча яна 100 сўм мукофот билан тақдирланади. Аксинча, ерга нормадагидан ортиқча пахта тўкилган бўлса, бу механизаторга мукофот берилмайди. У ойлик маош билан чекланиб қолади.

Биз техникадан пахтачиликдагина эмас, бошқа ҳамма соҳаларда ҳам самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб боряпмиз.

**— Булардан кўриниб турибдики, агар техника ўзининг ҳақиқий хўжайинларига эга бўлса унинг умри ҳам узаяр экан, унумдорлиги ҳам ортар экан. Лекин очиғини айтганда кўпгина хўжаликларда бунга яхши эътибор берилмаяпти. Техникани авайлаш тўғрисида қайғурилмаяпти. Эски тракторларни ремонт қилиб тузатишдан кўра янгисини сотиб олишни афзал деб биладилар. Сиз бунга нима дейсиз?**

— Афсуски, бундан икки-уч йил илгари биз ҳам техникага ана шундай кайфият билан муносабатда бўлардик. Натижада кўплаб минг сўм маблағни янги машина-механизмлар сотиб олишга сарфлар эдик. Бундай ўйлаб қарасак, имкониятларни менсимай нотўғри иш қилар эканмиз. Эндиликда бу соҳада ҳам қатъий тартиб-интизом ўрнатдик.

Биринчи навбатда машина-механизмларга техник қаровни кучайтирдик. Ремонт ишлари асосан ўз кучимиз билан амалга оширилмоқда. Биз ҳисоблаб чиқдик. Битта пахта териш машинасининг аппаратини «Госкомсельхозтехника» устахонасида ремонт қилиш учун 700 сўм сарфланар экан. Ўзимизнинг ички имкониятларимизни ишга солиш ҳисобига биз бу ишни 100—150 сўм билан битираяпмиз, ремонт сифати ҳам кўнгилдагидек бўляпти. Шунинг учун ҳам 1985 йилда ҳар бир терим машинасида совхоз бўйича ўртача 136,5 тоннадан пахта терилди.

Ҳар қандай техникани ишлатиш муддати бор. Лекин айрим хўжаликларда бу муддат етиб келмасдан пахта териш машиналари ишдан чиқади, янгисини сотиб олиш ҳаракатига тушилади. Ахир, ўзингиз ўйланг, битта пахта териш машинасининг давлат баҳоси 10 минг сўм. Озгина маблағ ишлатиб, қунт ва ҳафсала қилиб, эскисини тузатиб бинойидек ишлатса бўлади-ку. Ортиқча сарф-харажатнинг нима кераги бор.

Биз шундай йўл тутмоқдамиз. Бирорта ҳам машина-механизм бевақт ишдан чиқмайди ёки бекор туриб қолмайди.

Тўғри, янги, замонавий техника ҳам керак, албатта. Биз бу йил 8 та пахта териш машинаси, 14 та культиватор олдик.

**— Айрим хўжалик раҳбарлари, механизаторлар машинада терилган пахтанинг сифати паст бўлаётганлигидан нолишади. Ҳамма айбни машинага юкламоқчи бўлишади.**

— Қидирса баҳона топилаверади. Тўғри, маълум даражада терим машиналаримизни такомиллаштириш зарур. Лекин биринчи галда ҳозирча йўқ нарсага умид боғлагандан кўра мавжуд имкониятдан самарали фойдаланишимиз керак. Агарда чигит экишдан олдин ерлар яхшилаб текисланса, экиш вақтида уруғлик тўғри ташланса, ғўза бир текис машинабоп қилиб ўстирилса, экин биологик жиҳатдан етилганда дефолиация сифатли ўтказилса, далалар бегона ўтдан тоза ҳолда сақланса, агрегатларни пухта созлаб, сўнгра теримга киришилса, мен ўйлайманки, иш яхши бўлади. Ерга пахта кам тўкилади. Буни биз ўз тажрибамизда бир неча бор синаб кўрдик. Ўтган йили совхозимизда машинада терилган 83 процент пахтанинг 80 процентга яқини биринчи сортга сотилди. Демак, машинада терилган пахтанинг сифати кўп жиҳатдан далаларнинг теримга қандай тайёрланганлиги ва механизаторнинг маҳоратига ҳам боғлиқ!

Лекин техникадан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Иқтисод ва тежамкорликка эътиборни кучайтириш талаб этилади. Бу соҳада майда-чуйда иш йўқ. Ҳисоблаб кўрсак, техникани сақлашга сарфлаётган сарф-харажатнинг асосий қисми майда-чуйда ускуналарга кетар экан. Масалан, аккумулятор батареясини олиб кўрайлик. 100 сўм туради. Норма бўйича ундан 18 ой фойдаланиш лозим. Баъзи механизаторларимиз уни беш-олти ойда ишдан чиқаришади-да, янгисини талаб қилишади. Ёки бўлмаса тишли борона. Биз уни ҳар йили тўлиқ комплект қиламиз. Бироқ кузга бориб кўп қисми йўқолиб кетади. Бу масалаларда ҳам келишиб олдик. Агар механизатор аккумулятор батареясини муддатидан олдин ишдан чиқарса, ҳақини унинг ўзидан ундириб оладиган бўлдик.

Биз пахтачилик учун зарур бўлган барча машина ва механизмларни бригадаларга хўжалик ҳисоби бўйича ажратишга қарор қилдик. Масалан, бир бригадага иккита пахта териш машинаси, 2 та сеялка, 2 та культиватор, битта ҳайдов трактори, бир комплект—24 та борона, битта мола акт бўйича топширилди. Бу механизмларга уч механизатор хўжайинлик қилади. Улар меҳнат ҳақини ўша бригаданинг фондидан олишади. Агар ажратилган техникалардан бирортаси муддатидан илгари яроқсиз ҳолга келса ёки йўқолса кўрилган зарар қиймати шу бригаданинг фондидан чегириб қолинади. Аксинча, техникаларга ажратилган маблағ иқтисод қилинса, қўшимча фойда олинади. Бу сарф-харажатнинг ичига ёнилғи-мойлаш материалларини ҳам киритдик. Энди бригада бошлиқлари ҳам, механизаторлар ҳам ҳар бир техника ва ускунани эҳтиёт қилиб ишлатиш, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Тракторларнинг ҳуда-беҳуда далама-дала кезиб юришига, ишлаб туришига ҳам барҳам берилди.

Совхозимизда 1986 йилдан бошлаб техникаларга даланинг ўзида техник хизмат кўрсатиш кўчма устахонаси иш бошлади. Аслида бу янгилик эмас. Ҳар бир хўжаликда бундай кўчма устахоналар бор. Лекин биз унинг иш услубини ўзгартирдик. Эндиликда кўчма устахона машина ва тракторларга улар обдон бузилиб, ишдан чиққанида эмас, юриб турган пайтида хизмат кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда «касал»нинг олди олинади. График бўйича бу устахона бўлимларни, бригадаларни айланиб, ҳар бир тракторнинг ҳолати билан танишиб чиқади. Зарур бўлса двигателнинг мойини алмаштиради, аккумулятор батареясининг сувини янгилайди ва ҳоказо...

КПСС XXVII съездида агросаноат комплексини бутун чоралар билан ривожлантириш, унинг тармоқларини техника билан қуроллантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш кераклиги алоҳида таъкидланди. Совхозимизда съезд қарорлари асосида бундан буён ҳам конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Ҳали қиладиган ишларимиз, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўп.

Бу йил етиштириладиган барча ҳосилни четдан ҳашарчи олмасдан ўз кучимиз, техникамиз ёрдамида йиғиб териб оламиз. Ҳозирданоқ бутун ҳаракат шунга қаратилмоқда. Барча майдонларга пахтанинг «С-48-80» навини экмоқдамиз. Далаларда иш қизғин бормоқда. Биз экишни олти иш кунида тугаллаймиз.

**Суҳбатни Ф. МУҲИДДИНОВ олиб борди.**

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

## ВАЪДАНИ БАЖАРИШСИН!

Калинин районидаги «Хасково» совхозининг «Ҳаракат» участкасида 1,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Сабзавотдан юқори ҳосил олиб эл-юрт оғзига тушган соҳибкорлар бу қишлоқда оз эмас. Ҳамқишлоқларимиз съездлар йилида яна ҳам юқори кўрсаткичларга эришиб эл дастурхонини ноз-неъматга тўкин қилишга бел боғлашган.

Участка ишчиларининг меҳнат активлигини бундан буён ҳам ошира бориш учун уларга кўрсатилаётган ғамхўрликни кучайтириш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжини тўла ҳисобга олиш зарур деб ўйлаймиз. Лекин ҳозирча бундай бўлмаяпти.

Тошкент шаҳрининг шундайгина биқинида бўла туриб йўлларимиз асфальтланмаган, қишда лойдан, ёзда чангдан бошимиз чиқмайди десак балки айримлар ишонмас. Лекин амалда шундай. Чироқларимиз эса бир кун ёнса икки-уч кун ёнмайди. Ёнган кунлари ҳам телевизор кўролмаймиз. Кучланиш паст бўлади. Лампочкалар помидордек қизариб тураверади.

Биздан анча наридаги «Москва», «Назарбек» совхозларига аллақачон табиий газ, водопровод суви етиб борган. Лекин бизнинг хонадонларда шулар ҳам йўқ. Тўғри, болалар боғчаси ва 6-мактабга табиий газ кирган. Лекин хонадонларни газлаштиришга келганда совхоз раҳбарларининг феъли торлик қилди, қолган ишга қор ёғди.

Биз коллектив бўлиб совхоз дирекциясига ҳам, қишлоқ Совети ва район Совети раҳбарларига ҳам бу масалаларда бир неча бор мурожаат қилдик. Улар ҳар гал қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб қайтаришмоқда. Энди берилган сўз учун қаттиқ талаб қилинадиган вақтлар келди. Партиямиз XXVII съездида сўз билан иш бир бўлсин деб қайта-қайта уқтирилди. Хўжалигимиз ва район раҳбарлари халққа берилган ваъдага вафо қилиб энди «Ҳаракат» участкасини ободонлаштиришга, энергия, газ, сув билан тўла таъминлашга бош-қош бўлишар деган умиддамиз.

**А. РАШИДОВ,**
**Д. КАРИМОВ,**
**Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, жами 10 киши имзо чеккан.**

## ПИЁДАЛАР ҚАЕРДАН ЮРСИН?

Ҳамза районидаги «Радость» ва «Солнечний» кўчаларида транспорт қатнови бир зум ҳам тинмайди. Пассажир транспортидан тортиб оғир юк машиналаригача — ҳамма-ҳаммаси шу кўчалардан ўтади. Радость кўчаси ёқасида эса 230-ўрта мактаб ва болалар боғчаси жойлашган. Лекин шунга қарамай бу кўчаларда на светофор, на пиёдалар йўлкасини учратасиз. Автобус бекатларида соябонлар ҳам ўрнатилмаган. Бу кўчаларда кўнгилсиз воқеалар содир бўлиб турганлигининг бош сабаби шунда эмасмикин? Шу боисдан мазкур кўчаларда пиёдалар йўлкаси ажратилса айни муддао бўлур эди, деб ўйлаймиз.

**«Тарновбоши» маҳалла аҳли номидан Д. АҲМЕДОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

**Газетанинг шу йил 12 февраль сонида газетхонлар юборган хатлар асосида тайёрлаб босилган танқидий хабарларга 3 та жавоб олинди. Ана шу жавоблар билан таништирамиз:**

**1. Собир Раҳимов районидаги «Олимпия» шаҳарчасидаги айрим квартираларнинг иситиш системалари ишламаслиги ҳақидаги хабарга Халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси А. Мирқосимовдан олинган жавобда айтилишича, келтирилган фактлар текширишда тасдиқланди. 7-, 10-, 12-ҳамда 14-квартиралардаги батареяларга иссиқлик берадиган сув йўли беркитиб қўйилганлиги аниқланди. Улар очиб юборилгач, мазкур квартиралардаги иситиш системалари нормал ишлай бошлади.**

**2. Ғалаба районидан Р. Ҳасанов, ўқитувчи А. Абдусатторовларнинг газетада босилган хабарлари атрофлича ўрганиб чиқилди, — дейилади пассажирлар ташиш область ишлаб чиқариш автотрести бошлиғининг ўринбосари Т. Мирзабоевнинг жавоб хатида, — «Солдатское — Гул — Қўрғонча» маршрутида автобус қатновини яхшилаш мақсадида бу маршрутга яна битта «ЛАЗ-695» маркали катта автобус қатновга чиқарилди.**

**3. Ангрендан Т. Шералиев ёзиб юборган хатда Облиқ қишлоғида 500 дан зиёд хонадон яшаши, уларга хизмат қиладиган клуб 1984 йилда ремонт учун беркитилиб, шу кунгача очилмагани, аҳоли учун оммавий-маданий тадбирлар ўтказилмаслиги кўрсатилган эди. Бу хабарга Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Э. Эшматовдан жавоб олинди. Унда Облиқ қишлоғидаги 4-клуб ҳақиқатан ҳам ремонт учун беркитиб қўйилганлиги, шаҳар ижроия комитети ремонтни апрель ойида туғаллаш учун ҳамма тадбирларни кўраётганлиги айтилган. Унгача маданий-оммавий тадбирлар Муқимий номидаги 29-ўрта мактаб залида ўтказиб турилибди.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ САРИ

✦ ЖАЗОИР. Миллий Озодлик фронти партиясининг Сиёсий бюроси Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Шадли Бинжадиднинг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстона визити якунларини маъқуллади. АПС агентлигининг хабар беришича, Сиёсий бюронинг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида визит ва Совет—Жазоир музокараларининг алоҳида аҳамияти ва бу визит ҳамда музокаралар икки мамлакат ўртасида турли соҳалар ва ҳамма даражалардаги мулоқотлар ва алоқаларнинг якуни бўлганлиги таъкидланади. Мажлис қатнашчилари эришилган натижалар СССР билан Жазоир ўртасидаги дўстона муносабатларнинг сифат даражасини акс эттиради ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун катта истиқболлар очиб беради, дедилар.

**(ТАСС).**

## АРГЕНТИНАДАГИ КИТОБ ЯРМАРКАСИДА СССР КУНИ

БУЭНОС-АЙРЕС. ТАСС мухбири Ю. Рублевский хабар беради: бу ерда ўтаётган «Китоблар фан ва техника хизматида» анъанавий халқаро китоб виставка-ярмаркаси агрентиналикларга ғоятда манзур бўлмоқда. Ярмаркада жаҳоннинг 45 мамлакатидан келган 300 тадан кўп нашриёт иштирок этмоқда.

СССР ярмаркада Бутуниттифоқ ташқи савдо бирлашмаси «Международная книга» ва Аргентинада Совет авторларининг асарларини нашр этувчи «Дирпле» фирмасининг китоблари билан қатнашмоқда. Стендларда испан тилидаги бир минг уч юз номдан кўп китоблар, шу жумладан марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, фан-техника адабиёти, бадиий адабиёт, луғатлар ва бадиий альбомлар турибди. Совет павильони ҳамиша гавжум. Аргентиналиклар совет халқининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи китобларни мамнуният билан харид этмоқдалар.

Ўтган шанба ярмаркада СССР куни бўлиб ўтди. Аргентина ёзувчилари жамиятининг раиси Луис Деболе совет павильонига келганларга қарата табрик нутқи сўзлади. У СССР фан ва техника, адабиёт, китоб нашр этиш соҳасида катта ютуқларга эришганлигини айтди. Л. Деболе КПСС ва Совет ҳукуматининг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳормас-толмас фаолиятининг жуда катта аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

## КОБУЛДА ПОРТЛАШ

КОБУЛ, 7 апрель. (ТАСС). Афғонистон аксилинқилобчилари яна бир қонли жиноят қилдилар. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, кеча пойтахт районларининг бирида ичига портловчи модда тўлғазилган енгил автомашина портлаган. Жабрланганлар бор. Портлаш рўй берган райондаги биноларга зиён етказилган.



**□Капиталистик дунё мамлакатларида болалик нималигини билмайдиганлар миллионлаб топилади. Ушбу суратда: бугунги Италия шаҳарлари ҳаёти учун типик воқеа — тиланчилик қилиб ўтирган болани кўриб турибсиз.**

**ТАСС фотохроникаси.**

### ПАНЖОБДА СИКХ ЭКСТРЕМИСТЛАРИНИНГ ҲУРУЖЛАРИ

ДЕҲЛИ. 8 апрель (ТАСС). Панжоб штатининг Хошияпур, Гауришанкар ва Хажипур шаҳарларида комендант вақти жорий этилди. Бу шаҳарларда индуистлар шовинистик ташкилоти Шив Сенанинг гиж-гижлаши натижасида сикх экстремистларининг янги ҳуружлари ва тартибсизликлар рўй берди. Батала, Тарана ва Жаландхар шаҳарларида кескинлик пасаймаётир. Шу шаҳарларда террорчилар олти полициячини ўлдирдилар. «Халистон коммандоси кучлари» экстремист гуруҳи ана шу жиноятни бўйнига олди.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**✦ ДАМАШҚ**

Исроил босиб олган араб ерларидаги фаластинлик қочоқларнинг кўпгина лагерлари қамал ҳолатида. Босқинчилар Ад-Духейша лагерининг тинч аҳолисига қарши жазо рейди ўтказдилар. Ёппасига тинтувлар чоғида ўнлаб киши қамоққа олинди. Жабалия лагерида босқинчилар қўшинларининг бўлинмалари билан маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашувлар юз берди. Фаластинлик араблар орасида яраланганлар бор. Исроил армиясининг механизациялашган қисмлари қуршаб олган қочоқларнинг лагерларида сув ва дори-дармон ғоятда танқис бўлиб турибди.

**✦ СТАМБУЛ**

Стамбулдаги энг катта «Турк хабарлар ажанси» ахборот агентлиги ўз ишини тўхтатди. Каттагина молиявий қийинчиликлар сабабли шундай қарор қабул қилинди. Туркияда чорак асрдан кўпроқ ишлаб турган агентлик ёпилгандан кейин унинг барча ходимлари ишдан бўшатилмоқда, шунингдек вилоятлардаги барча бўлимлар тугатилмоқда.

**✦ ҚОҲИРА**

Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан барпо этилган баланд Асвон тўғони яна узоқ йиллар мобайнида ҳар қандай зилзилага бардош бера олади. Миср ирригация министри Ассом Ради ана шуни айтди. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида у тўғоннинг ўзи ва унга туташ иншоотлар уларни мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларга муҳтож эмаслигини таъкидлади.

Министр чиқарган хулосалар, деб хабар қилади МЕНА агентлиги, Асвон районидаги сейсмик вазиятга баҳо берган халқаро комиссиянинг иш натижаларига асосланган.

**(ТАСС).**

## Кўрфаздаги урушдан ким манфаатдор?

Намоз ўқишга чақираётган электрон сўфининг овози сирена қичқириғидан эшитилмай қолди. Қувайт пойтахтида машқ ҳаво тревогаси эълон қилинди. Сиреналар ҳам, бомба-паноҳгоҳга борадиган йўлни кўрсатувчи қора-оловранг кўрсаткичлар ҳам, узоқдаги артиллерия отишмасининг вақти-вақти билан эшитилаётган ҳайқириғи ҳам олти йилдан бери давом этаётган Эрон—Ироқ урушининг янгидан хавфли тус олаётганлигидан дарак беради.

9 февралда Эрон армияси Ироқ жанубида, Тигр ва Евфрат этакларида ҳужум бошлади. Бир вақтнинг ўзида Шимолда, Ироқ Курдистонида жанг ҳаракатлари бошланиб кетди. Ғарб шарҳловчилари фронтнинг марказий участкасида катта ҳужум бошланишини олдиндан айтдилар. Бу ерда аль-Курн шаҳридан шарқда Эроннинг ярим миллион кишилик армияси тўпланган эди. Қувайтнинг бевосита чегаралари яқинидаги ҳарбий ҳаракатлар бу кичик араб мамлакати шаънига дўқ-пўписалар билан олиб борилмоқда. Чунки, Эрон Қувайтни Ироққа ёрдам беришда айблаяпти. Айни вақтда бундай таҳдидлар қатори Форс кўрфазидаги Қувайт кемаларига қарши иғвогарлик ҳаракатлари қилинмоқда. Уруш кўрфазнинг яна бир араб давлати дарвозасини тақиллатиб турибди.

Қон-қардошларнинг ўзаро ва ҳеч қандай маъносиз уруши Қувайт ва шу регионидаги бошқа мамлакатлар учун катта ташвиш туғдирмоқда. Бу ерда шуни яхши билишадики, Ироқ ва Эрон экономикасига жуда катта ҳажмда зарар келтирган ҳамда юзлаб минг кишиларнинг жонини олиб кетган хавфли низонинг давом этишидан аввало империалистик давлатлар манфаатдордирлар. Ҳамма гап ҳарбий-саноат комплекси урушаётган мамлакатларга қурол-яроғ сотиш билан бойибгина қолаётганида эмас. Урушнинг сиёсий томонлари АҚШ ва унинг иттифоқдошларига региондаги икки йирик давлатнинг империализмга қарши мавқеини сусайтиришда ёрдам беради. Чунки бу давлатлар Яқин Шарқ проблемасини оқилона ҳал қилиш, янги иқтисодий тартибни ўрнатиш учун сарфланаётган куч-ғайратларда муҳим роль ўйнамоқда.

«Муайян кучлар, — деб ёзди Қувайтда чиқадиган «Ар-Рай аль-Амм» газетаси, — бу ерда ўз таъсирини кучайтириш учун худди араб—исроил низосига ўхшаш можаронинг доимий манбаларини вужудга келтирмоқчилар». Бошқа «Аль-Ватан» газетаси эътиборни шунга қаратдики, шу йиллар давомида Эрон армияси Америка қуроли билан урушмоқда, бу қурол тўғридан тўғри ёки ғайри расмий йўллар билан етказиб берилмоқда. Эронга қурол-яроғ етказиб берувчи энг асосий давлат бўлиб қолган Исроилнинг роли кучайиб бормоқда. Маҳаллий газеталар Эроннинг сўнгги ҳужумида исроиллик ҳарбий хизматчиларнинг қатнашганлиги ҳақида ҳам ёздилар. Бу фактлар тинкани қуритадиган урушнинг давом этишидан ким манфаатдор эканлигини ва регионнинг бошқа мамлакатлари хавфсизлигига хавф солаётган ким эканлигидан далолат берувчи ҳар қандай сўзлардан ҳам тушунарлидир.

Вужудга келган мураккаб вазиятда Америка маъмурияти алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. У вужудга келган тангликка регион ишига яна бир бор аралашиш учун узоқ вақт кутилган баҳона деб қарамоқда. Каспар Уайнбергер яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида кўрфаз мамлакатларига «Эрон агрессиясини» бартараф этиш учун Америка ёрдамини таклиф этди. Шу кунларда Форс кўрфазининг қатор мамлакатларида СЕНТКОМга бўйсунувчи учинчи армия қўмондони генерал Теодор Гейнс бўлди. СЕНТКОМнинг ҳаракат зонасига Яқин Шарқ ва Ғарбий Осиёнинг 19 мамлакати киради. Сўнгги вақтда кўрфаз мамлакатлари пойтахтларига Вашингтоннинг бир қатор юқори лавозимли арбоблари, шу жумладан, АҚШнинг Яқин Шарқдаги қуролли кучлари қўмондони адмирал Эдамс, шунингдек, АҚШ инженерлик қўшинлари қўмондони ва бошқа юқори лавозимли ҳарбий кишилар ташриф буюрди. Бундай келишларнинг мақсадларидан бири ҳарбий ҳаво кучларига ва ҳарбий денгиз кучларига янги имтиёзлар ҳамда бу ердаги портларга самолётларнинг қўниши ва кемаларнинг кириши учун ҳуқуқлар берилишига эришишдир. Вашингтон кўрфазнинг араб мамлакатлари томонидан ёрдам сўраб расмий мурожаат қилинишига эришишни истамоқда. Бундан мақсад ўзининг бу райондаги жанжалларга аралашувини пардалашга эришишдир. Оқ уйнинг бундай хатти-ҳаракатлари тўғридан тўғри кўрфазнинг денгиз дарвозалари калитларини қўлга киритишга, қирғоқ бўйидаги давлатларнинг табиий бойликлари устидан ўз назоратини ўрнатишга қаратилгандир.

Бироқ, бу йўлнинг хавфли оқибатлари у ёки бу даражада кўрфаздаги кўпчилик мамлакатларга аён. Бу мамлакатлар мураккаб вазиятни ўз кучлари билан ҳал қилишга интилмоқдалар.

Форс кўрфази давлатларининг ҳамкорлик кенгаши Эрон—Ироқ урушини тўхтатиш манфаатларига, низони сиёсий бартараф этиш йўлига ўтказишга бир неча бор куч-ғайрат сарфладилар. Вашингтоннинг мажбуран ўз «ёрдами»ни қабул қилдиришга бўлган сўнгги уриниши ҳам инкор қилинди. Регионда умуман Яқин Шарқ доирасида Форс кўрфазида ҳам аҳволни нормал ҳолга келтириш учун ҳаракатларни активлаштириш зарурлигини ҳамма чуқур англамоқда. Кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг яқинда Манамада (Бахрайн амирлигида) бўлиб ўтган кенгашида империалистик реакцион доиралар томонидан авж олдирилаётган Эрон—Ироқ урушини тўхтатишга муносабат тўғрисидаги биргаликдаги позиция ишлаб чиқилди. Араблар Вашингтоннинг бу ўйинида қўғирчоқ бўлиб туришни истамаяптилар.

**Игорь КУЗНЕЦОВ.**
**АПН.**
**Аль-Қувайт.**

